

**Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш
агентлигининг Коррупцияга қарши курашиш
ДАСТУРИ**

I. Умумий қоидалар

Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги (кейинги ўринларда – Агентлик деб юритилади) фаолиятида коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, уларни олдини олиш ва чек қўйиш, уларнинг оқибатларини, шунингдек, ушбу иллатларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни таҳлил қилиш ва бартараф этишга доир чора-тадбирлар самарадорлиги оширилишини таъминлаш Агентлик таркибий тузилмаларининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Ўтган давр мобайнида Агентликда коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида очиқлик ва шаффофликни таъминлаш юзасидан сезиларли чора-тадбирлар амалга оширилди. Хусусан, номзодларни танлаш ва лавозимларга тайинлаш бўйича махсус комиссия томонидан меритократия, шаффофлик ва эркин рақобат тамойиллари асосида ўтказилган очиқ танловлар асосида Агентликнинг ходимлар таркиби шакллантирилди. Агентлик фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини, шунингдек, жамоатчилик олдида ҳисобдорлигини таъминлаш мақсадида Агентлик ҳузурида Жамоатчилик кенгаши ташкил этилди, унинг вазифалари ва ваколатлари белгилаб берилди, шунингдек, жамоатчиликка ҳисобот бериш тизими жорий этилди.

Агентлик ҳаёти ва фаолияти ҳақида кенг жамоатчиликни хабардор қилиш мақсадида амалга оширилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги маълумотлар Агентликнинг расмий-веб-сайтида ва ижтимоий тармоқлардаги саҳифалари ва каналлари орқали мунтазам равишда янгиланиб борилмоқда.

Шу билан биргаликда, Агентлик томонидан коррупцияни олдини олиш, унга йўл қўймаслик бўйича чора-тадбирлар бир тизимга солинмаган ҳолда амалга оширилмоқда. Бу эса ўз навбатида ушбу йўналишда амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг самарадорлигини пасайтиради.

Шу муносабат билан, коррупцияга қарши курашиш фаолиятини мувофиқлаштирган ҳолда, тизимли, мақсадли ва комплекс чора-тадбирларни амалга оширишга қаратилган, Агентлик тизимида **Коррупцияга қарши курашиш дастурини** (кейинги ўринларда – Дастур деб юритилади) қабул қилиш ва уни амалга ошириш заруриятини тақозо этди.

II. Дастурнинг асосий мақсади

1. Агентлик тизимида қонунийликни таъминлаш, ходимларда коррупцияга нисбатан мурасасиз муносабатни шакллантириш, манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлаш ҳамда коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш **Дастурнинг асосий мақсадидир.**

III. Дастурнинг асосий йўналишлари

2. Агентлик тизимида коррупцияга қарши курашиш дастурининг асосий йўналишлари қуйидагилар ҳисобланади:

Агентлик таркибий тузилмалари фаолиятининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олишга доир ташкилий чора-тадбирларни амалга ошириш;

Агентлик тизимида коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш, чек қўйиш ҳамда уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлаш;

Агентлик ходимларининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга, тизимда коррупцияга нисбатан мурасасиз муносабатни шакллантиришга доир чора-тадбирларнинг ишлаб чиқилиши ҳамда амалга оширилишини ташкил этиш;

Агентлик тизимида коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорликни таъминлаш.

1. Агентлик таркибий тузилмалари фаолиятининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олишга доир ташкилий чора-тадбирларни амалга ошириш

3. Агентлик ходимлари томонидан ўзларининг лавозим ёки хизмат мажбуриятларини бажарилиши бўйича самарадорлик мезонларини ва унинг сифатини баҳолаш тизимларини жорий этиш.

4. Агентлик таркибий тузилмалари фаолиятида коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни келтириб чиқариш хавф-хатарлари вужудга келиши мумкин бўлган муносабатларни аниқлаш, бошқариш ва уларни бартараф этишга қаратилган чора-тадбирлар бўйича “Йўл хариталарини” ишлаб чиқиш.

5. Агентлик томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш ва

таҳлил қилиш ҳамда аниқланган коррупциявий бўшлиқларни бартараф этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

6. Агентликнинг расмий веб-сайтида ҳамда ижтимоий тармоқлардаги расмий саҳифаларида вакант иш ўринлари ҳамда номзодларга қўйилган талаблар ҳақидаги маълумотларнинг жойлаштирилиб борилишини таъминлаш.

7. Агентлик ходимларини аттестациядан ўтказишда жамоатчилик вакилларининг иштирокини, шунингдек, мазкур жараёни онлайн тарзда ўтказилишини жорий қилиш орқали бу йўналишдаги очиқлик ва шаффоқликни таъминлаш бўйича таклифлар тайёрлаш.

8. Агентликка ишга қабул қилиш учун номзодларни танлаш, тайинлаш ва жой-жойига қўйиш мақсадида ўтказиладиган танлов ҳамда аттестация жараёнларининг реал вақт режимида интернет орқали онлайн трансляция қилиш амалиётини жорий этиш юзасидан таклифлар тайёрлаш.

9. Агентликда узоқ вақт давомида битта лавозимда ишлаб келаётган ходимлар бошқа лавозимларга ўтказиш бўйича ички ротацияни амалга ошириб бориш бўйича таклифлар тайёрлаб бориш.

10. Агентлик ходимларининг ижтимоий аҳволини ўрганиб бориш тизимини жорий этиш. Хусусан, кам таъминланган, ногиронлиги бўлган ва кўп болали ходимлар рўйхатини шакллантириш ва уларнинг ҳолидан хабар олиб туриш ҳамда заруриятга кўра, моддий жиҳатдан таъминлаш чораларини кўриб бориш бўйича таклифлар тайёрлаш.

11. Давлат харидларини амалга оширишда ҳар бир товар позицияси кесимида харид нархларини таҳлил қилиб бориш, нархларнинг энг мақбул бўлишига эришиш.

12. Агентлик ходимларига иш ҳақини ҳисоблаш ва ҳисоб-китобларнинг тўғрилигини мониторинг қилиш имкониятини яратиш, ходимларнинг шикоятлар бериш имкониятини кенгайтириш бўйича таклифлар тайёрлаш.

13. Агентликнинг молия-хўжалик фаолияти билан боғлиқ маълумотларни (давлат харидлари билан боғлиқ шартномалар рўйхатини) Агентлик веб-сайтида эълон қилиб борилишини таъминлаш.

14. Коррупциянинг ҳолати ва тенденциялари тўғрисидаги ахборотни йиғиш ҳамда таҳлил этиш.

15. Коррупцияга қарши курашишда Агентлик таркибий тузилмалари фаолиятини мувофиқлаштириш ва ўзаро ҳамкорликни таъминлаш.

2. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш, уларга чек қўйиш ҳамда имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни баргараф этиш, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлаш

16. Агентлик маъмурий биносида жисмоний ва юридик шахслар ёки уларнинг вакиллари қабул қилишда видео ва аудио қайд этиш тизимини жорий этиш орқали шикоятлар келиб тушишини олдини олиш бўйича таклифлар тайёрлаш.

17. Агентликнинг расмий веб-сайтида ходимлар устидан шикоят қилиш имконини берувчи махсус саҳифа очиш, келиб тушган шикоятларни мунтазам таҳлил қилиб бориш ва натижалари бўйича асослантирилган таклифлар тайёрлаш механизминини йўлга қўйиш.

18. Агентлик ходимлари томонидан содир этилган коррупцияга оид хатти-ҳаракатлар ҳақида хабар берган шахсларнинг ва уларнинг яқин қариндошлари шахсини сир сақлаш, ҳимоя қилиш ва рағбатлантириш (мукофотлаш ва б.) тартибинини жорий этиш.

19. Агентликнинг одоб-ахлоқ қоидаларинини бузиш, Агентлик имиджига путур етказиш, хусусан, коррупцияга оид ёки бошқа ҳуқуқбузарлик ҳаракатларинини содир этилишига йўл қўйган ходимларга нисбатан қонун доирасида чора кўрилиши юзасидан таклифлар киритиш (меҳнат шартномасинини бекор қилиш, жавобгарликка тортиш ва б.)

20. Агентлик таркибий тузилмаларида лавозим поғонаси юқори бўлган ходим томонидан ўзидан қуйи лавозимда бўлган ходимга унинг лавозим вазифалари ва мажбуриятларига тааллуқли бўлмаган шахсий топшириқлар ва кўрсатмалар бериш ҳолатлари юзасидан мониторинг ўтказиб бориш ҳамда натижаси бўйича тегишли таклифлар киритиш.

21. Агентлик томонидан бошқа ташкилотларда амалга ошириладиган ўрганишлар, текширувлар жараёнида Агентлик ходимларининг амал қилиши шарт ва мажбурий бўлган одоб-ахлоқ қоидалари тартибинини такомиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрлаш. Хусусан, ўрганиш ўтказилаётган ташкилот ходимлари билан бирга умумий овқатланиш жойларига бориш, текширув объектларининг масъуллари томонидан бўладиган турли кўринишдаги моддий ва номоддий бойликларни (совға ва б.) қабул қилишни тақиқлаш ва б.

3. Агентлик тизимида коррупцияга нисбатан мурасасиз муносабатни шакллантириш ва ходимларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш

22. Агентлик ходимларида коррупцияга нисбатан мурасасиз муносабатни шакллантиришга қаратилган, уларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш бўйича ахборот-таҳлилий материалларни тайёрлаш ва тарқатиш.

23. Агентлик ходимларига коррупциянинг жамият ва мамлакат равнақи учун ўта салбий иллат эканлигини тарғиб қилишга қаратилган ўқув материалларини тайёрлаш ва тарқатиш.

24. Агентликда “Коррупцияга қарши курашиш ойлиги” тадбирларини ташкил қилиш.

4. Коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорликни таъминлаш

25. Коррупцияга қарши курашиш бўйича халқаро стандартларни Агентлик таркибий тузилмалари фаолиятига жорий этиш мақсадида Агентлик, халқаро ташкилотлар, хорижий давлатларнинг коррупцияга қарши курашувчи тузилмалари ўртасида идоралараро шартномалар, келишувлар ва меморандумлар тузиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

26. Ривожланган давлатларнинг коррупцияга қарши курашувчи тузилмаларида стажировкани ташкил этиш орқали Агентлик ходимларини коррупцияга қарши курашиш бўйича малакасини ошириш.

27. Ривожланган давлатларнинг коррупцияга қарши курашувчи тузилмалари билан ўзаро тажриба алмашишнинг самарали механизмларини жорий этиш.

IV. Дастурнинг қабул қилинишидан кутилаётган натижалар

28. Агентлик таркибий тузилмаларида коррупцияга қарши курашиш дастурини амалга оширишдан кўйидаги натижалар кутилмоқда:

Агентлик таркибий тузилмаларида коррупция, манфаатлар тўқнашуви ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олди олиниши;

Агентлик фаолиятнинг очиқлигига эришилиши ва зиммасига юклатилган вазифалар ижросига нисбатан ходимлар масъулиятининг янада ортиши;

Агентлик мансабдор шахслари ва бошқа ходимлари фаолияти самарадорлиги аниқ мезонлар асосида баҳоланиши;

Агентлик ходимларининг касбий ҳамда хизматдан ташқари фаолиятдаги одоб-ахлоқининг юксалиб бориши;

Агентлик фаолиятида коррупциянинг олдини олишга доир тадбирлар самарадорлигининг таъминланиши.